Ислоҳот мевалари

# ЯККАБОҒДА ШВЕЙЦАРИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

***Қашқадарё мамлакатда энг кўп дон етиштирадиган вилоятлардан биридир. Шу боис «Қашқадарёдонмаҳсулот» акционерлик уюшмасида бўлиб, жамоанинг шу кунларда амалга ошираётган юмушлари билан яқиндан танишдик.***

— Тасарруфимизда 16 та ҳиссадорлик, 1 та масъулияти чекланган жамият, тўртта жамоа, тўртта хусусий ва битта қўшма корхона мавжуд, - дейди уюшма бошқаруви раиси Мурод Ибодов. - Ана шуларнинг ёрдамида вилоятда йилига 150 минг тонна ғалла қайта ишланади. Айни чоғда қишлоқ хўжалик корхоналари билан 1999 йил ҳосили учун шартномалар юз фоизга тузилган бўлиб, уларга аванс пули берилиши давом этмоқда. Уюшмага қарашли жамоаларда янги ҳосилни қабул қилиш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Агарда илғор жамоаларимизни кўришни хоҳласангиз, Яккабоғ дон маҳсулотлари корхонасини бориб кўришни таклиф қилардим. Чунки бу корхона шу икки-уч йил ичида чет эл инвестициясини жалб қилиш борасида муайян ишларни бажарди. Ишчиларга хавфсиз қулай иш шароити яратилаётир. Корхонада ёрдамчи хўжалиги, иссиқхона, меҳмонхона, санаторий-профилакторий ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталари ишга туширилди.

Яккабоғга борганимизда қатор янгиликларнинг шоҳиди бўлдик. Масалан, тегирмон цехида эски дастгоҳлар янгисига алмаштирилган. Ҳозирги кунда Швейцариянинг «Бюллер» фирмасидан олиб келинган дастгоҳлар жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Микробиология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида биоозуқа цехи фаолият кўрсатмоқда.

Яккабоғ тумани марказида корхона бир нечта маданий-маиший хизмат нуқталарини қуриб битказди. Бу ерга келган киши корхонага қарашли меҳмонхона, дорихона, тикувчилик цехи, савдо дўконларидан ташкил топган «Хумо» мажмуини кўриб кўзи қувнайди. Беш бўлимдан иборат «Ал-Маъруф» супермаркети эса аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Ана шу ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарининг ишга туширилиши ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш имконини бераётир.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш мустаҳкам асосга қўйилган. Корхона ҳиссадорлик жамиятига ўтмаса-да, меҳнатчилар ҳар олти ойда фойда ҳисобидан дивидент олиб туришибди. Мисол учун 1997 йил якунлари бўйича 9 миллион сўм маблағ 256 киши ўртасида тақсимланди. Жамоада ишлаётган ҳар бир киши бепул иссиқ овқат билан таъминланган.

Байрамларда мукофот пуллари ва совғалар бериб борилади. Охунжон Мадалиев, Нуриддин Ҳайдаров каби таниқли санъаткорлар таклиф этилиб, кишиларнинг эсида қоладиган концертлар уюштирилади. Жумладан, корхонада самарали меҳнат қилаётган 114 нафар хотин-қизларга байрам тадбири ўтказилиб, уларга совғалар улашилди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига янги йилда 1,5 минг дона совғалар тарқатилди. Тўй ва маъракалар учун бултур 240 минг сўм сарфланди. Ходимлар соғлиғини тиклаш бўйича ҳам талай ишлар қилинаётир. Хусусан корхона қошида ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган саломатлик маркази ишлаб турибди. Касалларнинг даволаниши ва уларга дори-дармон олиб бериш учун ўтган йили 700 минг сўм маблағ сарфланди. Бошқа касалхоналарда даволаниб келганларга пул ўтказиш йўли билан ёрдам берилди.

Кам таъминланган оилаларга мадад кўрсатиб келиняпти. Масалан, бултур уйига иссиқлик тармоқлари ўтказишда ёрдам сўраган 51 нафар ишчининг аризаси ижобий ҳал қилинди. Узоқда турадиган ишчиларга махсус автобуслар ажратилган. Корхона ҳисобида турган уйларда истиқомат қилаётганларга электр энергияси учун имтиёзлар мавжуд. 45 гектар ерда ёрдамчи хўжалик ташкил қилинган. Бу ерда мева ва сабзавотлар етиштирилишидан ташқари чорва моллари ҳам боқилаётир. Айни кунларда хўжаликда 200 бошдан ортиқ қорамол, 50 бош қўй ва бошқа чорва моллари бор.

Корхона тасарруфида барча шарт-шароитларга эга болалар боғчаси бор. Жамоа тумандаги Охунбобоев номли мактабни ўз оталиғига олган. Ўтган ўқув мавсуми бошланишидан олдин ана шу илм масканига 200 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Шу сонга хабар

## ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

Ҳуқуқий маданият - иқтисодий билим ва маънавий дунёқарашни бойитиш муваффақиятларнинг асосидир. Бу муҳим масалага Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида катта аҳамият берилиб, тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмиталари раислари ва кенгаш ходимлари иштирокида долзарб мавзуларга бағишланган ўқув машғулотлари мантазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган шундай тадбирда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бошлиғи С.Салимов «Миллий қадриятлар ва оилавий тарбия» мавзуида ғоят қизиқарли маъруза қилиб, унинг моҳияти, жамиятимиз ривожида тутган беқиёс ўрни ва улкан аҳамиятини ҳаётий мисоллар билан аниқ-равшан баён этди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## ҲАЙРИЯ СОВҒАЛАРИ

Ангрен шаҳрида ўтказилаётган ҳайрия тадбирларини маблағ билан таъминлашда саноат корхоналари жамоалари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

«Ўзрезинатехника» ҳиссадорлик жамияти ҳам ҳиммат кўрсатиб, 50 минг сўм пул ажратди. Шу билан бирга ушбу тадбирда кам таъминланган, кўп болали оилалар аъзолари, ногирон ва қариялардан 150 нафарига турли совға-саломлар улашилди. Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти қўмитаси томонидан тортиқ қилинган пойафзаллар кийим-кечаклар болакайларни хурсанд қилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари*

# ИШОНЧ-ИНСОНГА ҚАНОТ

***Пойариқ Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалигида салмоқли ўрин тутадиган туманлардан бири. Афсуски, кейинги беш йилда туман қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш оқсаб қолди. Айниқса, охирги икки йил ичида иқтисодиёт жуда ночор аҳволга тушди. Ерларнинг хўжасизларча талон-тарож қилиниши, пудратчиларнинг ердан кўпроқ ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши, раҳбар ва мутахассисларга нисбатан талаб бўшаштириб юборилганлиги, агротехник тадбирларни бажариш тартиби издан чиққанлиги бунинг асосий сабабларидир. Меҳнатдан манфаат кўрмаган деҳқонларнинг қўли ишдан совиб кетган. Оқибатда дебитор ва кредитор қарзлар миқдори асоссиз равишда ошиб бораверган. Ҳосилдорлик ақл бовар қилмас даражада пасайган. Шу боис янги раҳбарият зиммасига туманни ана шундай оғир вазиятдан олиб чиқиш вазифаси юклатилди. Туман ҳокими Мадамин Шакаров шу хусусда ҳикоя қилади:***

— Дастлабки вақтдаёқ, вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан махсус тадбирлар белгиланди. Энг аввало Президентимизнинг соҳага тегишли Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг тўла бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Шунга асосан оилавий пудрат усули кенг қўлланилиб, ер ўз эгасини топишига эришилди. Уларга ер шартнома асосида узоқ муддатга ижарага берилди. Меҳнатдан манфаатдорлик кафолатланди. Бунга ишонч ҳосил қилган пудратчилар ўз моддий манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилиш орқали ҳосилдорликни ҳам кўтаришди. Пахтачиликдан бошқа соҳаларда шартномада белгиланганидан ортиқча етиштирилган маҳсулот пудратчилар ихтиёрида қолдирилди. Бу меҳнаткашлар учун катта рағбат ва кафолат бўлди.

Асосий тадбирлардан бири ер унумдорлигини ошириш эди. Бунинг учун 100 километрдан зиёд коллектор зовурлар таъмирланиб ишга туширилди. Натижада ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси пасайди, ҳосилдорлик ошди. 1997 йилда туманда ғалла ҳосилдорлиги 16-17 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 13 центнерга тўғри келган бўлса, 1998 йилда ғалла ҳосилдорлиги 42,1 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 28 центнерга етди. Бундай кескин ўзгариш таъминлаган омиллардан бири агротехник тадбирлар тартибига риоя қилинганидир. Бу борадаги барча ишлар туман ҳокимлиги қошидаги маслаҳат кенгаши назоратида бўлди. Техника воситаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Раҳбар ва мутахассислар таркиби тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, тадбиркор, тажрибали, қатъиятли кадрларга ишонч билдирилди. Бу ўзгаришлар ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Уруғчилик, нав танлаш ишларига жуда жиддий эътибор берилди. Бу соҳада туманларда олиб борилаётган ишларни Президентимиз Андижон вилояти меҳнаткашлари билан учрашувда алоҳида таъкидлаганлари ниҳоятда қувончлидир. Ғалланинг «Улуғбек - 600», пахтанинг «Фарғона - 3», «Оқдарё - 5» навлари туманимиз ер иқлим шароитига мос келиб, жуда катта самара берди. Шулар натижасида туманимизда ғаллачиликдан 380 миллион сўм, пахтачиликдан 400 миллион сўмдан зиёд даромад олиниши кутилмоқда. Мутахассисларимиз ҳисоб-китобига кўра, келгусида пахта ҳосилдорлигини туманда ўртача 35 центнерга етказиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги ўнгланиш ижтимой соҳадаги муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Ҳозир туманда 80 фоиз газлаштиришга, 72 фоиз сув билан таъминланишига эришилган. 2000 йилгача аҳоли газ ва сув билан тўлиқ таъминланади. Келгуси йилдан маориф, маданият, тиббиёт, маиший хизмат соҳалари масалалари ечимига киришамиз.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида жамоа хўжаликлари ширкатлар ва фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Бу жараён 3-4 йилда ниҳоясига етказилади. Натижада ер ҳақиқий эгасини топади. Одамларда мулкдорлик туйғуси шаклланиб борди. Туманда молиявий ҳисоб-китобларга ҳам жиддий ёндашилмоқда. Шу туфайли дебитор қарзлар 1,5 баробар, кредитор қарзлар 2,5 баробар камайишига эришилди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг сессияларида қишлоқ хўжалик масалалари теран таҳлил этилиб, муҳим вазифалар белгиланди. Айниқса, солиқ тизимидаги янгиликлар айни муддао бўлди. Умуман қишлоқда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир қадам қўйилди.

Келгуси режаларимиз ҳам анчагина. Ҳозирдаёқ қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этишга киришдик. Мақсадимиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали халқ турмуш даражасини кўтаришга эришишдир.

**Суҳбатдош**
**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Муносиб совға

Пойариқ туманидаги О.Умаров номли, Б.Ҳасанов номли, «Янгиобод» жамоа хўжаликлари аҳолиси шифо излаб туман марказига қатнаш ташвишидан қутулишди.

Етти миллион сўм атрофида маблағ сарфланиб, тўрт ой ичида О.Умаров номли жамоа хўжалиги марказида амбулатория қурилиб, ишга туширилди. Бу маскан 4 мингдан зиёд аҳолига хизмат қилади. Амбулаторияни туман ҳокимлиги тиббиёт жиҳозлари билан таъминлади.

**К. РУСТАМОВ**

## Ибратли тадбир

Нукус. Нукусда умумий таълим мактаблари психологларининг семинар кенгаши бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон республикаси халқ таълими вазирлиги тизимида биринчи бор уюштирилган мазкур тадбирда мактабларни битказаётган иқтидорли ўқувчиларни танлаш, уларга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги қонунни амалга оширишда қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларни билим сирларини ўрганишини давом эттиришларини ёки касбга йўналтиришни аниқлаш ғоят муҳимдир. Бу ҳақда тажрибали психологлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Бундай фойдали тадбирлар Қорақалпоғистон республикасининг бошқа туманлари умумий таълим мактаблари психологлари билан ҳам ўтказилади.

## Аёллар эъзозда

Сурхондарё. Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшмаси қўмитаси 7000 га яқин касаба уюшма аъзоларини 13 та бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси негизида бириктирган. Аъзоларнинг 2400 нафари аёллардир. Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Эшмамат Тоштемиров ҳиссадорлик жамияти бошқарув кенгаши билан келишган ҳолда 25 нафар ишчига 2500 сўмдан моддий ёрдам уюштирди. 8 Март халқаро хотин қизлар ва «Наврўз» байрамларида касаба уюшма ҳисобидан мунис аёлларни рағбатлантириш учун 100 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

**Рустам ДАВЛАТ**



## ЯНГИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

**Фурқат номидаги «Томоша» ширкатлар уюшмасида баҳорги экин-тикин ишларига пухта тараддуд кўрилмоқда. Шу кунларда уюшма деҳқонлари ерларнинг шўрини ювиш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби ишларни бажаришмоқда. Айни пайтгача 860 гектар ернинг шўри ювилди ҳамда 13 километр сув йўллари шохобчалари тозаланди.**

**Жорий йилда уюшма деҳқонлари 1300 гектар пахта майдонига чигит қадаб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни режалаштиришган.**

**Суратда: экскаваторчи Абдурауф ДЎСТНАЗАРОВ.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

Олий тоифали муаллима Саодат Хўжақулова ҳамда биринчи тоифали ўқитувчи Марзия Маматмусаевалар раҳбарлик қилаётган синфлар ўқувчиларининг «Алифбо байрами» ғоят завқли, эсда қоларли бўлиб ўтди. Саводхонлик байрамига У.Юсупов номли 14-ўрта мактаб жамоаси билан биргаликда ота-оналар, ҳомий ташкилот вакиллари ташриф буюришди.

## САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

«Алифбо байрами»ни мактаб директори Ғ.Алимжонов қисқача табрик сўзи билан очиб, мактаб ва ота-оналар, жамоатчилик вакилларининг сўнгги пайтдаги ўзаро амалий ҳамкорликлари туфайли бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини таъкидлади.

— Бугунги кунда мактабимизда 900 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда, — деди Ғ.Алимжонов, — уларга 58 ўқитувчи сабоқ беряпти. Тоифали устозлар сони ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Ҳозирда 6 олий, 15 биринчи, 13 иккинчи тоифали ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

Шундан сўнг 1-синфнинг жажжи кичкинтойлари билимларни қай даражада ўзлаштира олганликларини акс эттирган синов-кўрикни бошладилар. Ф.Маматқулова, М.Эшқобилова, Н.Мамадалиева каби ўқувчилар, ўзларининг ҳар томонлама чуқур билим ва қобилият эгалари эканликларини намойиш этишди. Айниқса, жажжилар томонидан ижро этилган «Гулмисиз, райҳонмисиз?», аския, «Олмадан ким тез ейди?», баҳс мусобақаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ҳар икки синф раҳбарлари ва ота-оналар қўмиталари кичкинтойларнинг кийиниши, одоб-аҳлоқига алоҳида эътибор беришганлиги йиғилганлар эътиборини тортди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Насиба Ҳайдарова, Жумагул Сагатова, Гулбаҳор Икромова, Қундуз Раҳматуллаевалар мурғак қалбларга илиқ ва самимий миннатдорчиликларини билдиришди. Ота-оналар эсдалик учун мактабга ўнлаб «Жонли гул» совға қилдилар.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# УЛУҒ НЕЪМАТ

Туркистонда яшаб турган элатларнинг улуғ Русия инқилоби эълон қилган асосларда ўз-ўзини белгилашга бўлган истакни ифодалаб, Туркистонни Русия Федератив демократик республикасига бирлашган ҳудудий мухторият, деб эълон қилади ва мухторият шаклини белгилашни энг яқин муддатда чақирилиши керак бўлган Туркистон таъсис мажлисига ҳавола этади, ҳамда тантанали суратда шуни маълум қиладики, Туркистонда яшаб турган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай йўллар билан ҳимоя этилади.»

Қурултойнинг 28 ноябрдаги мажлисида таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи «Туркистон мухториятидир» деган қатъий фикрга келинди. Туркистон ўлкаси халқлари Таъсис қурултойи чақирилгунга қадар ҳокимият батамом Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон халқ (миллий) мажлиси қўлида бўлади, деган ғоя илгари сурилди.

Қурултой Муваққат Кенгаш аъзоларидан ҳукумат тузилиши ва унинг таркибини 12 кишидан иборат бўлишлигини белгилаб берди. Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларининг сони эса, илгариги Бутунрусия Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб (32 киши) белгиланди. Халқ мажлиси таркиби 54 номзоддан иборат бўлишлиги кўрсатилди. Халқ мажлисидаги ўринларнинг учдан бир қисми - 18 киши Оврупо миллатига мансуб халқ вакилларига ажратилди. Бу ҳол мухториятчиларининг инсоф, диёнат ва иймон асосида ҳақиқат, адолат ва демократиянинг юксак чўққисида туриб фаолият кўрсатганликларининг ёрқин намунасидир. Узоқ ва баҳсли тортишувлардан сўнг Қурултойда Муваққат ҳукумат сайланди. Унинг таркибига 8 киши киритилди:

1. М.Тинишпаев - бош вазир, ички ишлар вазири, 2-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Туркистон Муваққат ҳукумати қўмитасининг аъзоси, йўл муҳандиси.
2. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиахмедов) - бош вазир ўринбосари, Бутунрусия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.
3. Мустафо Чўқаев - Туркистон Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг раиси, ҳуқуқшунос.
4. Убайдулла Хўжаев - Ҳарбий вазир, Бутунрусия мусулмонлар кенгаши МҚ аъзоси, ҳуқуқшунос.
5. Ҳидоятбек Юргули Агаев - ер ва сув бойликлари вазири, агроном.
6. Обиджон Маҳмудов - озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, жамоат арбоби.
7. Абдураҳмон Ўразаев - ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.
8. Соломон Абрамович Герцфельд - молия вазири, ҳуқуқшунос.

Туркистон Муваққат ҳукумати таркибига 4 киши Оврупо миллатларига мансуб аҳоли сафидан кўрсатилиб тўлдирилиши лозим эди. Қурултой иқтисодий масалага ҳам катта эътибор берди.

Туркистон мухтор жумҳурияти мафкурасининг негизини Ислом дини ғоялари ташкил этиши қурултойда махсус кўрсатилди. Бу Ўлка мусулмонларининг II ва III қурултойларида ҳам таъкидланган эди.

Қурултой ўз ишини якунлаши олдидан яна бир марта Туркистон Мухтор Жумҳурият, деб эълон қилинганини тантанали сифатда такрорлади. Ноиблар бу сўзларни тик туриб тингладилар, худога шукроналар билдириб, Қуръони Карим сураларидан тиловат қилдилар.

Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумат номидан халққа қарата декабрда мурожаат эълон қилинди. Мурожаатнома «Улуғ Туркистон»да (1917 йил 8 декабр) эълон этилди.

Мурожаатда кўп миллатли Туркистон халқининг истагига мувофиқ демократик инқилобнинг улуғ асослари бўлмиш халқларнинг озодлиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини амалга ошириш мақсадида Туркистон умуммусулмонларининг фавқулодда Ўлка қурултойи Туркистонни Русия Федерацияси Жумҳурияти таркибидаги мухтор жумҳурият, деб эълон қилгани қайд этилди.

Ўлкадаги жамики уюшмалар олдида турган муҳим ва масъулиятли масалаларни эътиборга олиб, Туркистонда яшаётган турли миллатлар ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт даражаларини ҳисобга олиб ва улар ўртасида дўстликни таъминлаш учун, ўлканинг ҳамма жойларида тартиб ва интизом жорий этиш мақсадида ўлка мусулмонлар қурултойи Муваққат Туркистон халқи Шўроси (Миллат мажлиси)ни сайлади. Мазкур Шўро ҳайъати Туркистон мухториятининг муваққат ҳукуматини ташкил қилди, дейилди унда. Бу ҳукумат зиммасига мумкин қадар тезроқ Туркистон Таъсис Мажлисини чақириш, Туркистон халқини озиқ-овқат билан таъминлаш чораларини кўриш, шу мақсадда «Жанубий-шарқий Иттифоқ» билан алоқа ўрнатиш, ўлка мухторияти молия ишларини таъсис қилишга киришиш, халқ милициясини ташкил қилиш, маҳаллий миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тадбирлар белгилаш, аскар ташкил қилиш ва бошқа вазифалар юклатилганлиги мурожаатда таъкидланди.

Умуммусулмонлар ўлка қурултойи, бирлик, ҳуррият, тенглик асосларини тасдиқ этди. Туркистоннинг барча фуқароларини, мусулмонларини, рус яҳудийларини, ишчи, аскар ва Оврополик деҳқонларни, ўлкада яшовчи ҳамма элат, халқларни, шаҳар ва земство идораларини, барча давлат маҳкамаларини, умумий ва хусусий муассасаларни эътироф этиб, уларга ўз зиммаларига олган оғир вазифаларини ҳал этишда ёрдам бериш ҳам шу мурожаатда кўрсатилди.

«Биз, - дейилган эди унда, - олдимизда турган масалаларнинг муҳимлигин ва улуғлигин комил суратда англаб, ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳақлигина ишониб, худодан мадад тилаб ишга бошлаймиз.»

Мурожаат ўлка халқлари, айниқса мусулмон аҳолиси томонидан тантанавор ва зўр қувонч билан қабул қилинди. Халқ кўпдан бери орзу қилиб келган миллий давлатга эга бўлганидан беҳад шод эди. Мухторият эълон қилинган кундан бошлаб омма ўртасида ўзининг сиёсий фаолиятини авж олдирди. Тараққийпарварлар, маърифатпарвар миллий ёшлар гуруҳи ва уюшмалари ҳам мухториятни кенг тарғиб этдилар. Тошкентда «Ишчилар тўдаси», Андижонда «Маориф ҳаваскорлари» уюшма ва жамиятлари Мухторият манфаати йўлида иш олиб борди. Мухторият ўзбек, рус ва қозоқ тилларида газеталар чиқара бошлади. Бу «Эл байроғи», «Свободный Туркестан» ва 1917 йил 13 декабрда рус тилида чиқа бошлаган «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» шулар жумласидандир.

Мухтор ҳукумат шошилинч равишда 30 миллион сўмлик заём чиқарди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳукуматни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва миллий армия тузиш эди. Аввал бошда ҳукумат ихтиёрида 60 ёлланма аскар бўлган бўлса, қисқа фурсатда Мухторият ихтиёрида 2 минг кишилик қўшин ҳозир бўлди. Бундан ташқари Қўқон милициясининг бошлиғи Эргашнинг қўл остида ҳам анчагина кучлар бор эди. Миллий армияда хориждан чақирилган ҳарбий кишилар, аксарият ҳолда турк зобитлари йўриқчилик ишларини олиб бордилар. Айни вақтда милиция қисмларини тузишга ҳам киришилди.

Бу борада Убайдулла Хўжаев бош бўлган ички ишлар вазирлиги халқ милициясининг ташкил бўлиши катта воқеа бўлди. Пул ислоҳоти ўтказишга киришилди. Заём чиқарилди. Мухторият ўз байроғи ва ўз мадҳиясини яратди. Шуниси эътиборлики, Мухториятни бир қатор хорижий мамлакатлар ҳам тан олди. Шу боис Мухторият ҳукумати ёрдам сўраб хорижий мамлакатларга мурожаат қилди, улардан оз бўлса-да, ҳам моддий, ҳам ҳарбий ёрдамлар олишга муваффақ бўлди. Мухториятни Англия, Франция, Германия, Туркия ва бошқа давлатлар қўллаб-қувватлаган эдилар.

Хуллас, Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи ўлка халқларининг тарихий тақдирида буюк бурилиш аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилди. Бу улкан аҳамиятли воқеа «Улуғ Туркистон» газетасида ўз вақтида оқилона баҳоланди.

Кун тартибида турган эндиги бош муаммо Туркистон мусулмонлари IV қурултойи қабул қилган ва илгари сурган ғояларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида, ўлкадаги кенг меҳнаткашлар оммасининг бу қарор ва ғояларни қўллаб-қувватлашида, Туркистон мухторияти атрофида бирлашиб унинг орқасидан фаол эргашувида қолган эди.

**Ш. КАРИМОВ,**
**Р. ШАМСУТДИНОВ,**
**профессорлар**

